

МАКТАБ ТАЪЛИМНИИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ӽИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10785655>

Elmurod Begjigitov

Toshkent davlat Iqtisodiyot Universiteti BNG' 90- guru' talabasi

Аннотация

Мақолада мактаб таълимни молиялаштиришига қаратилган ёндашувлар тадқиқ этилган, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий хуносаларига нисбатан мустақил фикрлар баён этилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида илмий хуносалар шакллантирилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар

мактаб таълим, умумий ўрта таълим, бюджет, молиялаштириши, инсон капитали.

CHARACTERISTICS OF FINANCING SCHOOL EDUCATION

Abstract

The article discusses approaches to financing school education and gives an independent look at the scientific findings of local and foreign scientists. Based on the research, scientific conclusions were formulated and recommendations made.

Key words

school education, general secondary education, budgeting, financing, human capital.

The budgetary financing of school education in Uzbekistan is enshrined in law. In particular, Article 41 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan states: "Everyone has the right to education. The state guarantees free general education. School work is under government control."

The establishment of these principles implies that the provision of general education is carried out by the state and its funding is covered by the budget.

In our opinion, budget planning is important in financing school education. In particular, the focus of school education on additional funding may not be able to ensure the quality of educational services. Therefore, it is important to implement reforms in the system aimed at ensuring the efficiency of budget funds, rather than increasing the volume of extra budgetary funds.

In general, the duration of education implies that education is largely embedded. Budgetary funding for school education will provide practical support for its coverage.

In our opinion, the evaluation of the budgetary appropriateness of the end goal should be determined by the ability of students to meet the international standards. Therefore, it is advisable to take into account the fact that financing of school education in Uzbekistan does not include the existing intermediate goals. Currently, funding for school education focuses on the use of budget funds. The factors that will result from this financing are not envisaged.

In this regard, the world economists have also done a number of studies. In particular, it is worth noting that the 2019 Nobel Prize winners in economics, Abhijit Banerji, Eszer Duflo and Michael Kremer, have developed and developed their scientific conclusions on how to address global poverty. They have been able to assess the government's efforts to fight poverty. This study analyzes school education, child health and microfinance. As a result of the research, the following scientific news (nobelprize.org):

schools assessed the need for students to learn textbooks and free meals. In summary, neither a full supply of textbooks nor free meals has created conditions for literacy. According to them, targeted (targeted) measures yielded positive results, including additional (tutoring) training;

curricula and instruction have not been properly implemented to meet the needs of students;

It has been proven that recruiting teachers for a certain period of time can enhance student learning. It is also emphasized that one of the most important indicators is the introduction of pedagogical responsibility in the reform. Indeed, even when the student-teacher ratio is small, short-term employment contracts produce more results;

health research shows that 75% of parents do their babies free of charge. And 18% of parents made the vaccine cost less than US \$ 1. Another reason why low-income populations cannot invest in primary health care is that those responsible for vaccination are not permanently employed in their workplaces. Therefore, it has been shown that the introduction of mobile vaccination clinics will have positive results. As another factor, the low-income population has been shown to be unable to afford rationally modern thinking.

The aforementioned studies show that the role and place of budgetary funds play an important role in providing basic education. This is because low-income countries in transition economies do not achieve the ultimate educational

attainment. Therefore, the implementation of reforms aimed at ensuring the availability of social services is an acute requirement of the global economy.

In conclusion, the budgetary financing of school education should take into account:

- not to limit the use of budgetary funds to achieve full coverage of school education;
- Do not put in place norms that provide for school reimbursement;
- Prevent the comm. ercialization of school education;
- Transition from interim objectives to the principles that reflect the ultimate goal of budgeting school education.

Аннотация

В статье рассматриваются подходы к финансированию школьного образования и дается независимый взгляд на научные выводы местных и зарубежных ученых. На основе исследований были сформулированы научные выводы и разработаны рекомендации.

Ключевые слова

школьное образование, общее среднее образование, бюджетирование, финансирование, человеческий капитал.

Кириш

Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришнинг бюджетдан амалга оширилиши қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида қуидаги қоидалар белгиланган: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.”.

Ушбу тамойилларнинг белгиланиши умумий таълимни таъминланиши давлат томонидан амалга оширилиши ва унинг молиявий таъминоти бюджетдан қопланишини ўзида акс эттиради.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги “2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тӯғрисида”ги ПФ-3431-сонли Фармони билан ислоҳотларнинг маълум даври бўлди унга кўра, авлат умуммиллий дастурини ижро этиш муддатларида мактабларни замонавий компьютер техникиси билан жиҳозлаш, ихтисослаштирилган

синфлар (физика, кимё, биология ва бошқа хоналари) ташкил этиш, бунда молиялаш манбалари, уларни таъмирлаш бўйича моддий база мавжудлиги, мактабларнинг тегишли мутахассис ва ўқитувчилар билан таъминланишини ҳисобга олиш назарда тутилди. Мазкур ислоҳотлар даврида мактаб таълимининг моддий-техник ҳолати ўзгартирилган бўлсада, мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақлари ва уларнинг моддий рағбатлантириш тизими етарлича талабларга мос келмади. Бу борада эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Хозирги кунда республикамиздаги мактабларда эркак ўқитувчилар 30 фоизни, Тошкент шаҳрида эса 10 фоизни ташкил қиласди (uz24.uz)”, деб таъкидлаб ўтди. Мазкур ҳолатнинг шаклланишига сабаб тизимда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмининг қониқарли даражада эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.шу нуқтаи назардан 2016 йилдан кейинги даврда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Халқ таълими вазири Ш.Шерматов таъкидлаганидек ““Мактабларни билимли ва малакали ўқитувчилар билан таъминлаш, педагог кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш асосий вазифамиздир. Ҳозир тизимдаги ўқитувчиларнинг 62 минг нафари ўрта маҳсус маълумотли. Бироқ соҳадаги ислоҳотлар ва жамиятда ўқитувчи нуфузининг кўтарилиши натижасида 37 минг нафар олий маълумотли ўқитувчи мактабларга қайтиб келди (minbar.uz)”.

Фикримизча, мактаб таълимини молиялаштиришда бюджет маблағларининг етарли миқдорда режалаштирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон қонунчилигида ҳам белгиланганидек мактаб таълимни қўшимча маблағлар жалб этишга йўналтириш таълим хизматлари сифатини тўлақонли таъминланишига имкон бермаслиги мумкин. Шу боисдан, тизимда бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини оширишни эмас, балки бюджет маблағларининг натижадорлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш долзарблиқ касб этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорида молиялаштиришга доир бўлган тамойиллар ҳам келтириб ўтилган. Унга кўра, давлат умумтаълим муассасасининг фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети ҳисобидан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилиши белгиланган. Шунингдек, ушбу низомнинг 71- пунктида “Давлат умумтаълим муассасига бюджетдан ташқари қўшимча маблағларни жалб этиш бюджетдан молиялаштириш камайтиришга олиб келмаслиги лозим” деб қайд этилган. Мазкур мезоннинг

белгилаб берилиши умумтаълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиши мажбурият сифатида белгиланмаганлигини акс эттиради. Бу эса, бюджет маблағлари ҳисобидан мактаб таълимнин молиялаштириш доимий хусусиятга эга бўлишини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, умумтаълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиши мумкин, лекин бу қўшимча даромад сифатида тасарруф этилиши мумкин.

Адабиётлар тахлили

Бозор иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатлардан бири бўлган АҚШда ҳам мактаб таълими барча учун бепул тарзда тақдим этилади. Давлат мактабларини молиялаштиришда маҳаллий мулк соликлари алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур соликларнинг тўғридан-тўғри мактаб харажатларини молиялаштиришга йўналтирилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозим, мактаб таълимини молиялаштириш кўп жиҳатдан бюджет маблағларининг етарлилигига боғлиқ бўлмоқда. Шу боисдан, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини белгилаб берувчи омилларни ишлаб чиқиш ва уни Ўзбекистон шароитида жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида таянч таълим олишни молиялаштиришнинг манбалари ўзгариб бормоқда. Мавжуд конунчиликка кўра, мактаб таълими фақатгина бюджетдан молиялаштирилиши кўзда тутилган, шундай бўлишига қарамасдан Ўзбекистонда қўшимча таълим олиш жараёнлари жадаллашиб кетди. Жумладан, хусусий ўқув марказларининг шаклланиши ва ривожланиши натижасида мактаб таълими стандартларига асосланган хизматларни кўрсатиш сезиларли миқёсда ошди. Ушбу ҳолатнинг ривожланишига сабаб сифатида таълим хизматлари бозорида ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўзаро мувозанатига эътибор берилмаганлиги билан изоҳланishi мумкин.

Бу борада, рус олими Л.П.Иванова (2007) Россияда ҳам кадрлар потенциалининг пасайиш тенденциялари юзага келаётганлигини таъкидлааб ўтади. Бунинг сабабларидан бири сифатида иш ҳақи миқдорининг камлиги ва ўқитувчиларнинг бошқа соҳаларга ўтиб кетаётганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, педагогик касбни танлаётган талабалар сонининг камайиши ва фундаментал тадқиқотларнинг қисқариши юзага келмоқда. Натижада ўқитувчилар иш ҳақларини тўлашда норасмий молиявий оқимларнинг роли кучайишига олиб келди. Таъкидлаш лозим, мактаб таълимини

молиялаштиришда етарлича маблағларнинг таъминланмаслиги бир қатор мураккабликларни келтириб чиқарар экан. Шу нұқтаи назардан, ушбу олим томонидан таълимни молиялаштириш манбаларининг самарадорлиги ва аҳамияти жиҳатидан баҳолаб чиққан. Мазкур коэффициентлар қуйидагича кўринишга эга бўлган:

- лойиҳавий-мақсадли молиялаштириш аҳамияти – 1,25;
- федерал бюджет маблағлари – 1,2;
- худудий ва муниципиал бюджет маблағлари – 1,0;
- грант маблағлари – 0,6;
- корхоналарнинг таълимга қилган инвестициялари бўйича солиқ имтиёзлари – 0,4;
- аҳоли маблағлари – 0,4;
- таълим муассасанинг бошқа фаолиятдан олган даромадлари – 0,4.

Фикримизча, Л.Иванова томонидан амалга оширилган тадқиқотлардан ҳам кўриниб турибдики, мактаб таълимида бюджет маблағларининг аҳамияти юқори эканлиги маълум бўлмоқда. Шу боисдан айтиш мумкинки, бюджет маблағлари таянч таълимни молиялаштиришда стратегик аҳамиятга эга бўлган манба сифатида қайд этилмоқда.

С.Борисова эса (2007), бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттирувчи мақсадли бюджет ва мақсадли оператив-соҳа кўрсаткичларига ажратилади. Мақсадли бюджет кўрсаткичлари харажатлар сметаси билан ифодаланса, оператив-соҳа кўрсаткичлари штатлар жадвали, контингент каби кўрсаткичлар билан баҳолашни таъкидлаб ўтади. Биринчи гурӯх кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиб ўтади: меҳнатга хақ тўлаш, бошқа тўловлар, алоқа хизматлари, мулкни сақлаб туриш харажатлари, ижтимоий таъминот каби харажатларни киритишни таклиф этади. Иккинчи гурӯхга 26 та кўрсаткич киритилган. Улар жумласига ўқувчиларнинг сони, фан олимпиадаларида ғолиблар улуши, яхши ва аъло баҳоларга ўқиётганларнинг улуши, олий тоифали педагогларнинг сони, бошқа тоифадаги педагогларнинг сони ва шу кабилар киритилган.

Х.Дўстмуҳаммад (2012) томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳалқ таълими харажатларини самарали амалга ошириш ва уларнинг манзиллилигини таъминлашга эришиш, устун даражада, қуйидаги умумий тенденциялар ва қонуниятларни инобатга олинишига боғлик, деб таъмидлаб ўтади: а) таълим муассасалари, ундаги ўқувчиларнинг сони ва таркиби, динамикасидаги умумий тенденциялар; б) таълим тизими харажатларини амалга ошириш даражасидаги умумий қонуниятлар; в) таълим тизими

харажатларини амалга ошириш самарадорлигини ўзгаришдаги умумий тенденциялар.

Юқорида келтирилган илмий хулосаларда мактаб таълимидаги бюджет маблағларидан фойдаланишининг натижадорлиги ўзига хос хусусият касб этиши қайд этилмоқда. Жумладан, меҳнатта ҳақ тўлашнинг хусусиятлари вактбай эмас балки ишбай мезонлар билан белгиланиши, бошқа жиҳатдан ўкувчиларнинг салоҳияти олимпиададаги ғолиблиги, аъло баҳога ўқиётганларнинг улуши ёки олий таълим муассасаларига ўқишга қабул килингандарнинг микдори каби кўрсаткичлар шулар жумласидандир.

Умуман олганда, бюджетдан молиявий маблағларни таъминлашга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, молиявий таъминлаш тизими, молиялаштириш тизими, молиялаштириш механизми каби жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Рус олимлари томонидан А.Лещинскаяга кўра (2012), молиявий таъминлаш бўлиб, фундаментал тадқиқотларнинг якуний натижаларини олишни таъминлайдиган ва илмий сифимкор технологияларни жорий этиш имконини берадиган молиявий фаолиятдир, деб қайд этиб ўтилади. Молиявий таъминлаш тизимига И.Белозеров хам ўзининг илмий хулосаларини келтириб ўтади. Жумладан, молиявий таъминлаш тизими биринчидан, молиявий муносабатларни, иккинчидан жами пул фондларини, учиичндан молияни бошқариш органларини киритишни назарда тутади.

О.Мурзаеванинг (2012) фикрига кўра, молиялаштириш тизими ўз ичига ташкилий, меъёрий-хукукий ва иқтисодий элементларни олишини илгари суради. Е.Костоглода (2012) эса, молиялаштириш тизимига молиялаштириш манбалари, обьекти, субъекти, усуслари, инструментлари билан бирга институционал ташкилий структураси ва меъёрий-хукукий таъминоти каби кўрсаткичларни киритиб ўтади.

Молиялаштириш механизми тўғрисида Л.Иванова ўзининг қуйидаги илмий муносабатини билдиради (2007): “таълим хизматлари сифатини оширишга қаратилган таълим тизимидағи молиявий бошқариш ва молиявий таъминот жараёни бўйича расмий ва норасмий қоидалар, санкция ва рағбатларни ўзида акс эттиради”.

В.Тадтаева (2007) барча таълим муассасаларини фаолиятни самарадорлигини таъминлашда молиявий шарт-шароитларни яратиш ва молиялаштириш муассасалари ўртасидаги муносабатларни шакллантириш орқали янги таълим технологияларини жорий этишга ёрдам бериш билан изохлайди.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида таъкидлаш мумкинки, молиялаштириш ҳолати унинг турли жиҳатларини инобатга олишни назарда тутади. Жумладан, хорижлик олимлар томонидан ҳам турли ёндашувлар баён этилган. Умумий хулоса қилиб, таълим тизимини молиялаштиришнинг элементлари сифатида қуидагиларни келтириш мумкин: натижавийлик, обьекти ва субъекти, тўлиқ бюджет маблағлари, ўқувчиларнинг сони, ўқитувчиларнинг малакаси каби кўрсаткичлардир. Мактаб таълимини молиялаштиришда тижоратлашув хусусиятини жорий этишининг мақсадга мувофиқ эмаслиги унинг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки мактаб хизматларини пулли асосда ахолига етказиб берилишини жорий этиш таянч таълим билан камраб олиш ва ижтимоийadolat қоидаларининг бузилишига таъсир этиши мумкин. Шу боисдан, бюджет маблағларининг натижаворлигини таъминлашга қаратилган методларни ҳаётга тадбиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам ўзларининг муносабатларини билдириб ўтишган. Хусусан, профессор Д.Рахмоновнинг (2018) тадқиқотларида таълим тизимини молиялаштиришнинг асосий мезони сифатида инсон капитали категориясига эътибор қаратилади. Шу боисдан, якуний натижада сифатида инсон капиталини ривожлантиришни молиялаштириш деб қаралади. Шунингдек, қуидаги илмий хулоса таъкидлаб ўтилади: Инсон капиталини ривожлантиришни молиялаштириш – бу таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига инвестициялар киритиш, натижада, иқтисодий ўсиш учун инновацияларнинг шаклланишига ташаббуснинг вужудга келишида акс этиши назарда тутилади.

Доцент Г.Қосимова (2003) ўзининг илмий тадқиқотларида қуидаги фикрлари келтириб ўтади: “Келгусида таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш керак бўлади, унинг кўп вариантли тизими жорий этиши этилиш керак, таълим муассасаларининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши ривожлантирилиши лозим, хусусий ҳамда чет эел инвестицияларини таълим соҳасига жалб этишини янада рағбатлантирилиши мақсадга мувофиқ”, деб таъкидлайди.

А.Остонокулов (2019) бюджет ташкилотларидағи самарадорликни таъминлашга бюджет назоратини жорий этиш орқали эришиш мумкин, деб изоҳлайди. Доимий равишда бюджет маблағларининг мақсадли ва манзиллисарфланишини таъминлашда бюджет назоратини амалга ошириш алоҳидаҳамият касб этади. Ўз навбатида, бюджет назоратини амалгаоширишда бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотларда

профилактиканазоратларини ўтказиш ва уларда ички аудит хизматини ташкил этиш бюджетназорати самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотларимиз асосида айтишимиз мумкинки, ўзбекистонлик олимлар ҳам таълим тизимини молиялаштиришда маълум бир категорияларга нисбатан мезонларни таклиф этишмоқда. Масалан, инсон капитали кўрсаткичи, молиявий назоратнинг ролини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрллашда бюджетдан ташқари маблағларнинг ўрнини ривожлантириш каби омиллар шулар жумласидандир.

Ушбу тадқиқотларда мактаб таълимни молиялаштиришга нисбатан қўйиладиган натижа мезонлари аниқ тизимлаштирилмаганлиги мазкур тадқиқотимизни амалга оширишнинг зурурлигини ўзида ифода этади. Шу боисдан, мактаб таълимининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олган ҳолда натижавийликка асосланган молиялаштириш механизmlарини ишлаб чишиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

ЮНЕСКО томонидан қатор маъruzалар эълон қилинган. Масалан, 2005 йилда “Defining Quality in Education” (Таълимда сифатни аниқлаш) номли хисоботда қўйидаги бешта кўрсаткич келтириб ўтилади: 1) ўқувчилар (ўқишига тайёрлиги – соғлиғи); 2) муҳит (хавфсизлик, гендер хусусиятлари, мавжуд ресурслар); 3) салоҳият (янги билим ва янгиликларни ўзлаштириш қобилияти);

4) ўқув жараёни (ўқитувчиларнинг малакаси, педагогик усул ва технологияларнинг қўлланилиши); 5) натижалар (миллий приоритет билан боғланган ҳолда билим ва янгиликларни ўзлаштириш). Фикримизча, таълим тизими фаолиятининг натижалари кўп жихатдан ўқувчиларнинг салоҳияти ва қобилияти, ўқитувчиларнинг малакаси ва маҳорати, билимларни ўзлаштириш ва ҳаётга тадбиқ этиш билан ўз аксни топмоқда. Шу боисдан мазкур учта муҳим компонентга нисбатан мезонларни шакллантиришга эътибор қаратиш муҳим, деб ўйлаймиз.

4)

Үқувчилар характеристи:
Салоҳият;
Тиришқоқлик;

Китобхонлик;
Бошланғич билим;
Ўрганишларга
түсиклар.

ИЧКИ ОМИЛЛАР

1. Ўқиш ва ўрганиш:
 - ўрганиш вақти;
 - ўқитиш методлари;
 - баҳолаш, фидбек, рафбатлантириш
 - аудитория ҳажми.
2. Ўқиш ва ўрганиш учун материаллар;
3. Моддий-техник база ва шароитлар;
4. Инсон ресурслари: ўқитувчилар, илмий маслаҳатчилар, маъмурлар;

Натижалар:

Саводхонлик ва ҳаёт тажрибаси;
Ташаббускорлик;
Аҳамиятлилик;

Ижтимоий

МАЗ

Жамиятдаги иқтисодий ва меҳнат бозор шароитлари; Маданий қадриялар;

Инфратузилмани илмий асосда ресурсларининг мавжудлиги; Бозорида ўқитувчилик стратегияси; Ёрдам стратегияси;

МУНИ

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг Ижтимоий-фалсафий қарашлари; Ўзаро самарадорлик;

Ота-оналарнинг қўллаб-ривожлантириш; Таълим учун давлатқувватлаши; Мактаб ва уйда дарс Миллий стандартлар; Мехнат рақобатбардошлиги; Глобаллашув.

Миллий бошқарув ва унинг

Стратегияси;

1-расм. Таълим сифатини ташкил этувчи компонентлар тузилмаси¹

Шунингдек, ЮНЕСКО томонидан таълим сифатининг моҳиятини очиб бериш қўйидаги тизимлаштирилган компонентларни келтиради (UNESCO, 2005) (1-расмга қаранг):

Халқаро ташкилот томонидан таянч таълимни ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлардан ҳам қўриниб турибдики, билим олиш натижасида

1 Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

саводхонликни, ташаббускорликни, жамиятда ўз ўрнини топишга бўлган мустақил позицияни шакллантиришга қаратилган фаолиятни ўзида акс этириш лозим.

ЮНЕСКО томонидан келтирилган сифат компонентларида қатор омиллар қайд этилган, биз уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтишни жоиз

топдик. Масалан, “инфратузилмани илмий асосда ривожлантириш” кўрсаткичи мактабда таълимни ташкил этишга қулай шарт-шароитларни шакллантиришни ўзида акс эттиради. Халқаро инновацион индекснинг ҳисобланишида ҳисобга олинувчи 7 та (5 та ички ва 2 та ташқи) кўрсаткичнинг дастлабки омили сифатида “Институтлар” деб номланади ва унга “сиёсий, бошқарув ва бизнес муҳити” каби учта жиҳатни ўзида акс эттирган мезонлар қамраб олиниади. Ёки “таълимнинг давомийлиги” (school life expectancy) кўрсаткичининг халқаро инновацион индексда фойдаланиши мактаб таълимига бўлган эҳтиёжнинг заруратини юзага чиқаради.

Умуман олганда, таълим давомийлиги кўп жиҳатдан таълим билан қамраб олинишини назарда тутади. Мактаб таълимини бюджетдан молиялаштириш унинг қамраб олишига амалий ёрдам беради.

Бизнингча, бюджетдан молиялаштиришнинг якуний мақсадларга йўналтирилганлигини баҳолашда ўқувчиларни халқаро стандартлар доирасидаги мезонларга жавоб бера олиши билан белгиланиши лозим. Шу боисдан, Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришнинг амалдаги оралиқ мақсадларни назарда тутишидан воз кечишни инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳозирги кунда мактаб таълимини молиялаштиришда бюджет маблағларининг ўзлаштирилишига эътибор қаратилади. Мазкур молиялаштириш натижасида эришиладиган омиллар назарда тутилмайди.

Бу борада, жаҳон иқтисодчи олимлари ҳам қатор тадқиқотларни амалга оширишди. Жумладан, 2019 йил иқтисодиёт йўналишида Нобел мукофоти совриндорлари Абхижит Банержи, Эсзер Дуфло ва Майкл Креймер “глобал қашшоқликни бартараф этиш” мавзусида олиб борган ва ишлаб чиқсан илмий хуносалари ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим ҳисобаланишини қайд этиш мумкин. Улар қашшоқликка қарши курашда ҳукуматлар томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларни баҳолашга эришишган. Ушбу тадқиқот доирасида мактаб таълими, болалар соғлиғи ва микромолиялаш тизими таҳлил этилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуидаги илмий янгиликлар олинган (nobelprize.org):

мактабларда ўқувчиларга ўқув дарсликлири ва бепул таомларнинг билим олишга бўлган ёрдами баҳоланганд. Хуроса қилиб айтганда, на ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминланиш, на бепул овқатланиш саводхонликка шарт-шароит яратмаган. Уларга кўра, мақсадли (манзилли) чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини берган, жумладан қўшимча (репетиторлик) ўқув машғулотлари шулар сирасига киради;

ўқув дастурлари ва ўқитиши ўқувчиларнинг талабларига мос равишда тадбиқ этилмаган;

ўқитувчиларни муайян муддатга ишга қабул қилиш ўқувчиларнинг билимини оширишга хизмат қилиши исботланган. Шунингдек, ислоҳотларда педагогик жавобгарликни жорий этиши мухим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланиши таъкидланади. Зотан, ўқувчи-ўқитувчи нисбати кичик бўлганда ҳам қисқа муддатли меҳнат шартномалари кўпроқ натижалар берган;

соғлиқни саклаш борасида олиб борилган изланишлар 75 фоиз отоналар фарзандларини эмлаш бепул бўлганда амалга оширишлари маълум бўлган. 18 фоиз ота-оналар эса, эмлаш нархи бир АҚШ долларидан кам бўлган ҳолда амалга оширганлар. Кам даромадли аҳоли қатлами бирламчи тиббий хизматларга инвестиция қила олмаслигининг сабабларидан яна бири сифатида

- бу эмлаш жавобгар бўлганларнинг ўз иш жойларида доимий бўлмасликлари кўрсатилган. Шу боисдан кўчма эмлаш клиникаларини жорий этиши ўзининг ижобий натижаларин бериши аниқлаб берилган. Бошқа бир омил сифатида эса, кам даромадли аҳоли қатлами рациона (замонавий) фикрлашга ўзида куч топа олмаслиги сабаб этиб кўрсатилган.

Юқорида келтириб ўтилган тадқиқотлардан кўриниб турибдики, таянч таълимни таъминлашда бюджет маблағларининг ўрни ва роли мухим рол касб этмоқда. Сабаби, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида кам даромадли аҳоли таълим олишининг якуний натижаларига эриша олмаяпти. Шу боисдан, ижтимоий хизматларнинг манзиллигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш глобал иқтисодиётнинг ўткир талаби ҳисобланади.

Жумладан, 1995 йилга нисбатан болалар ўлими икки баробарга ошиб, мактабга қатнаётган болалар улуши 56 фоиздан 80 фоизга етган. Мазкур ижобий ўзгаришлар бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда 700 млн. бола кам даромадли мамлакатларда яшайди, 5 млн. бола беш ёшга етмай вафот этса, дунё болаларининг ярми мактабларни саводсиз тарзда тарқ этмоқда (nobelprize.org). Мазкур рақамларнинг мавжудлиги Ўзбекистон учун истиқболда қилиниши шарт бўлган ислоҳотларни аниқ белгилаб олишга ундейди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда мактаб таълимини ривожлантиришнинг ихтисослашган вариантидан ҳам фойдланиш кўзда тутилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабаларини ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-

4199-сонли қарори билан мамлакатимизда Президент мактаблари ташкил этилди. Үнга құра үқувчиларда қуийдагилар (қарордан баъзилари олинган) назарда тутилған:

икәтидорли болаларни аниқлаш, танлаш ва үқитиши, уларнинг хар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек үқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб бериш;

үқувчиларнинг қизиқишлиаридан келиб чиқкан ҳолда синфдан ташқари амалий машғулотлар үтказиш назарда тутилған.

Президент мактабларида үқувчиларнинг саводхонлик даражасини тўлиқ таъминлашга қаратилған чора-тадбирлар кўзда тутилаётганлиги билан боғлиқ ўзига хос ахамиятга эгадир.Халқаро ташкилотлар ва етакчи олимларнинг тадқиқотларида қайд этиб үтилған омилларни инобатта олиниши ҳолатлари мазкур ислоҳотларнинг эътиборли жиҳатидир. Жумладан, синфдан ташқари қўшимча машғулотларни назарда тутилиши, үқувчиларнинг билим олиш имкониятларини тўлиқ таъминлашга ёрдам беради. Бу борада, 2019 йилда иқтисодиёт йўналишида Нобель мукофоти совриндорлари ҳам қўшимча таълим соатларини қўллаб-қувватлашган ва ушбу ҳолат үқувчиларда билим олиш билан боғлиқ муаммоларни батараф этишга шарт-шароит яратишими қайд этиб үтишади.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Президент мактаблари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 526-сонли қарорининг қабул қилиниши билан педагог ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан янги босқичга олиб чиқилған. Ушбу хужжатда белгиланган қоидалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилған тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли қароридаги мезонлардан тубданфарқ қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, Президент мактабларини ташкил этиш орқали үқитувчи педагогларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими янгича услуг билан шакллантирилмоқда, натижада юқори ҳақ оловчи үқитувчилар блоки юзага келмоқда. Бу албатта мазкур таълим муассасаларида үқитувчиларга қўйилған талабларнинг сезиларли даражада юқори бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, үқувчиларнинг сифатли билим олишига шарт-шароит яратади.

Умуман олганда, мамлакатимизда таълим тизимининг натижавийлигини аниқлаштиришга қаратилған қатор тадбирлар назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8январдаги

“Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сонли фармони қабул қилиниши таълим тизими фаолият натижаларини баҳолашнинг халқаро стандартларига асосланишини қўзда тутмоқда. Мазкур ҳужжат 1-иловасининг 3.6-пунктида таълим тизимида PISA, TIMSS ва PIRLS каби халқаро баҳолаш тизимлари билан биргалиқда ишлаш белгиланган.

Мазкур баҳолаш услубларидан фойдланиш орқали мактаб таълими тизимида якуний мақсадларни рӯёбга чиқаришда кенг фойдаланиш мумкин, деб ўйлаймиз. Хусусан, PISA (Programme for International Student Assessment – Ўқувчиларни халқаро баҳолаш дастури) 2000 йилдан буён Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан амалга оширилиб келинади. Ушбу дастур орқали 15 ёшдаги мактаб ўқувчиларнинг математика, ўқиш ва аниқ фанлар бўйича билимлари ҳар уч йилда бир маротаба баҳоланади. 2017 йилдан бошлаб эса, молиявий саводхонлик ва муаммоларни биргалиқда ҳал этиш каби кўрсаткичлар бўйича ҳам баҳолаш киритилди.

Мазкур методни қўллаш орқали турли мамлакатларнинг таълим тизимларидағи ўзгаришларни аниқлаш ва ўзаро таққослаш учун мониторинг вазифасини бажариб беради. Айниқса, таълим тизими стратегияси бўйича қарорлар самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. 2000- 2015 йилларда PISA бўйича энг яхши мактаб таълими тизимига эга мамлакатлар сифатида Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Япония, Финляндия, Эстония, Швейцария, Польша и Нидерландия каби давлатлар ҳисобланади.

Шу билан бирга, TIMSS (Trends in Mathematics and Science Study – Мактаб таълимидаги математика ва аниқ фанлар сифати халқаро мониторинги) методи орқали математика ва аниқ фанлар бўйича мактабнинг 4 ва 8-синфлари ўртасида ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказилади. Дастроб 1995 йилда ўтказилган бўлиб, ўқувчиларнинг нафақат билимларини балки мазкур фанларгабўлган муносабатларини тадқиқ этишни ўзида акс эттиради. Мазкур баҳолаш бўйича олдинги ўринларни қайд этаётган мамлакатлар сифатида Сингапур, Япония ва Жанубий Корея каби давлатларни қайд этиш мумкин. Шунингдек, 2015 йилда ўтказилган баҳолашларга эътибор берилса, қўшни Қозогистон давлатининг дастробки 10талик мамлакатлар таркибиги кириб, математика фанидан мос равишда 12 ва 7 ўринда бўлса, аниқ фанлар бўйича эса 8 ва 9 ўринларда қайд этилган. Мазкур ҳолатнинг мавжудлиги Ўзбекистонда ҳам қатор ислоҳотларни амага оширишнинг заруратини кўрсатиб беради.

Халқаро баҳолашнинг учинчи тури бу -PIRLS (матнни ўқиши ва тушуниш сифати мониторинги) бўлиб, мактабларнинг бошланғич синфларида таълим оловчиларнинг билимларини баҳолашни назарда тутади. Мазкур баҳолаш услуги охирги 2016 йил натижаларига қўра, Россия, Сингапур ва Гонконг каби давлатларнинг рейтинглари юқори бўлмоқда. Қозогистон эса, 27 ўринда қайд этилган.

Хулоса

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар ўқувчиларнинг билимини аниқлаш ва баҳолашга қаратилганлиги билан долзарб ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичлар орқали мактаб таълими фаолияти натижаларига молиялаштириш жараёнларини уйғунлаштириш мақсадга мувофик, деб ўйлаймиз. Натижада, бюджет маблағларидан фойдаланишда уларнинг якуний мақсадларга йўналтирилишини рўёбга чиқаришни ўзида акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, мактаб таълимини бюджетдан молиялаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- мактаб таълимини аҳоини тўлик қамраб олишига эришиш учун бюджет маблағларидан фойдаланишни чекламаслик;
- мактабда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланишини назарда тутадиган меъёрларни киритмаслик;
- мактаб таълимининг тижоратлашув хусусиятига эга бўлишига йўл қўймаслик;
- мактаб таълимини бюджетдан молиялаштиришда оралиқ мақсадлардан якуний мақсадларни акс эттирувчи тамойилларга ўтиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Khairullaevich I. T. PROBLEMS AND TASKS OF EDUCATION IN THE ECONOMIC SPHERE //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. - 2023. - Т. 11. - №. 5. - С. 409-412.
2. Abdullayevich N. I. The Impact of Attracting Foreign Direct Investment on Economic Development //Science Promotion. - 2023. - Т. 1. - №. 1. - С. 14-19.
3. Hoshimov J. INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI OSHIRISHDA XITOY VA SINGAPUR TAJRIBASI //Iqtisodiyot va ta'lim. - 2023. - Т. 24. - №. 2. - С. 369-373.\

4. Ogli I. T. K. Introduction of Innovative Technologies in Commercial Banks in the Context of Increased Competition //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. - 2023. - T. 20. - C. 57-59.
5. Abdullayevich N. I. IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA XORIJUY INVESTITSIYALARNING O'RNI //TA'LIM VA INNOVATSION TADQIQOTLAR. - 2022. - C. 95-96.
6. Giyozovich K. I., Vokhidovich G. S. Issues Of Tourism Development In Uzbekistan //The Peerian Journal. - 2024. - T. 26. - C. 7-12.
7. Murtazaevich K. S. Analysis of the Impact of Investment Attractiveness on The Socio-Economic Development of the Bustan District of the Andijan Region //European Journal of Economics, Finance and Business Development. - 2023. - T. 1. - №. 3. - C. 84-90.
8. Suleymanov I. Ways to Increase The efficiency of Integrating the Banking system with the Real sector of the economy //EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS). - 2022. - T. 9. - №. 2. - C. 9-14.
9. Murtazaevich K. S. The Role of Foreign Direct Investment in the Socio-Economic Development of the Country //Global Scientific Review. - 2023. - T. 19. - C. 17-24.
10. Ганиев Ш. Инновационные основы бухгалтерского учета в бюджетных организациях //Экономика И Образование. - 2020. - Т. 1. - №. 4. - С. 101-105.
11. Suleymanov I. ANTI-CRISIS FINANCIAL MEASURES DUE TO COVID-19: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND PRACTICE OF UZBEKISTAN //International Finance and Accounting. - 2020. - Т. 2020. - №. 3. - С. 5.
12. Shomirov A. A. ISSUES OF USING THE IPO MECHANISM IN THE INVESTMENT ACTIVITIES OF JOINT-STOCK COMPANIES //Thematics Journal of Business Management. - 2021. - Т. 10. - №. 7.
13. Aminova N. INVESTITSIYA LOYIHALARINI ISLOM MOLIYASI DOIRASIDA FINTECH ORQALI MOLIYALASHTIRISH ISTIQBOLLARI //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. - 2024. - Т. 4. - №. 1. - С. 193-200.
14. Radikovich S. I. MAIN WAYS TO STRENGTHEN THE INTEGRATION OF THE BANKING AND REAL SECTORS //European Journal of Interdisciplinary Research and Development. - 2022. - Т. 6. - С. 7-16.

15. Aminova N. U. Development of foreign economic activities in the republic of uzbekistan through attracting foreign investment //Asian Journal of Multidimensional Research. - 2021. - T. 10. - №. 8. - C. 216-221.